риаллари ҳажмининг ҳисобини юритиш; ФВВ билан биргаликда дарёлар ўзлашларида кум-шағал материаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган участкалар рўйхатини тасдиқлаш учун Комиссияга киритишдан иборат.

– Дарё ўзлашларини тозалаш жараёнида кум-шағал материалларини казиб олиш ишлари мавсумий тарзда, ер участкаларини ажратмаган ҳолда амалга оширилади. Бу тартиб Геология вазирлиги томонидан 2018 йил 9 июлда тасдиқланган норуца материалларини казиб олишга лицензия берилган участкаларда кум-шағал казиб олишга ҳам тегишли. Мораторий белгиланган ана шу 7 та дарёда кум-шағал казиб олиш бўйича белгиланган мейёрга эришилди, – дейди Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалигида бозор механизмларини жорий этиш давлат муассасаси лойиҳаларини бошқариш ва техник назорат бўлими бошлиғи Олим Худойбердиев. – Бизда ер ости ва ер усти сувлари бор. Ҳозир норуца материалларини ноқонуний казиб олиш тўхтатишга, дарёларнинг янада чуқурлашиши ер ости сувлари сизиб чиқиб, ер усти сувлари билан қўшилиб кетишига олиб келади. Оқибатда доимий дарёлар ботқоқланади, мавсумий дарёлар қуриб қолади. Шу сабабли ҳам мораторий жорий этилди. Мораторийнинг мақсади дарё экотизминини, флора ва фаунасини сақлаб қолиш ҳамда унинг тикланиши учун етарли вақт бериш.

Аммо жорий этилган мораторийга қарамай, фармонда кўрсатилган дарё ўзлашларида кум ва шағал казиб олиш давом этмоқда. «EkoLog» жамоат бирлашмаси Телеграм каналининг ботига Чирчиқ, Зарафшон ва Сангзор дарёлари ўзлашларида норуца материаллар ноқонуний казиб олинаётгани ҳақида хабарлар тез-тез келиб тушаётгани ҳам фикримизни неботлаб турибди.

Ана шундай мурожаатлардан бирида келтирилган важларни ўрганиш мақсадида «EkoLog» жамоат бирлашмаси вакиллари буттур Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани ўрмон ҳўжалигида бўлишган. Хўжалик ходимлари Зарафшон дарёси ўзанидан ноқонуний шағал олинаётгани ва юк машиналари кум олиб кетаётгани ҳақида бир неча бор мурожаат қилган эди. Зарафшон дарёси ўрмон ҳўжалиги ҳудудидан оқиб ўтади, «EkoLog» жамоат бирлашмаси вакиллари шағал ва кум ортилган юк машиналари ўрмон ҳўжалигидан қандай ўтиб кетаётганини гувоҳ бўлишди. Ҳайдовчилар автоматиналарга ортилган кум-шағал қаерга олиб кетилаётгани, бу ноқонуний фаолият қимнинг буйруғи билан амалга оширилаётгани ҳақидаги саволларга жавоб бермай, қочиб кетишди.

– Зарафшон дарёси тубида ноқонуний шағал казиб олиш оқибатида сув сатҳи кескин пасайди. Шу бозор Зарафшон миллий боғидаги дараклар ҳам, ўрмон ҳўжалигининг дараклар ҳам қуриб кетмоқда, – дейди ўрмон ҳўжалигининг собиқ ходими Ихтиёр Нормуродов.

Зарафшон миллий табиат боғи атроф-муҳитни мониторинг қилиш бўлими мутахассиси Эркин Холмонов Зарафшон дарёсидан ноқонуний равишда кум-шағал казиб олинаётганидан хавотирда.

– Зарафшон дарёси тубида ноқонуний шағал казиб олиш оқибатида миллий боғни хавф остида қолдирмоқда. Сув сатҳининг пасайиши туфайли миллий боғдаги дараклар қуриб қолмоқда. Тушунмадим, нега улар дарёга кум-шағал казиб олунчи экскаваторлар, оғир юк машиналари кетаётган йўлни беркитишмайди? Йўл ёпилса, улар қира олмайдми, – дейди у.

Афсуски, ҳозирги вақтда мораторий рўйхатига киритилган барча дарё ўзлашларида бундай қондабузарликлар қурилмоқда. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, дарё ўзлашларидан норуца материаллар казиб олиниши дарё сувининг сифати ва миқдорига жиддий таъсир кўрсатади. Шағал казиб олиш жараёнида дарё ўзлашларида махсус техника – экскаваторлар ва самосваллар туширилади. Қарабизки, дарё сувини ёнгили-мойлаш материаллари, турли чиқиндилар билан ифлосланади. Оқибатда сув сифати ёмонлашади ва дарё экотизмига зарар етди.

Вазирлик маълумотларига кўра, дарёларни табиий ҳолатига қай-

тариш ва экотизмин тиклаш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан катъий, муддатсиз мораторий жорий этилиб, дарё ўзлашларини тозалаш, табиий экологик мувозанатни сақлаш чоралари кўриломоқда. Бу чора-тадбирлар халқаро экологик стандартларга тўлиқ мос келади. Мақсуд харажатлар Ўзбекистоннинг экологик сифатини янада юқори босқичга олиб чиқади. Ҳозир мораторийни бекор қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аксича, дарёларнинг табиий ҳолатини тиклаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш бўйича доимий чора-тадбирлар амалга ошириломоқда.

Шу билан бирга, Чирчиқ дарёси бўйлаб экологик, гидрологик ва гидрогеологик жиҳатларни ўрганишга асосланган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳалар зарарланган ҳудудларни қайта тиклаш, чиқиндиларни олиб ташлаш ва қирғоқларни мустаҳкамлашни ўз ичига олади. Сув ҳўжалиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирликлари ҳамкорликда халқаро ва маҳаллий олимларни жалб этиш, дарёларни экологик жиҳатдан тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга интиломоқда. Дарё ўзлашларида олиб борилаётган ишларни қабул қилишнинг янги тартиблари белгиланиши кутилмоқда. Бундан ташқари, бузилган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, дарёларни чиқиндилардан тозалаш ишларини тизимли давом эттирилади.

Дарё ўзлашлари ва қирғоқларида экологик мувозанатни тиклаш ва тартибга солишга қаратилган мораторий чора-тадбирлари доирасида республикада, айниқса, пойтахт ва Тошкент виллоятда кум-шағал қавлаб олишга қарши оқибатда бир қатор чекловлар мавжуд (шунингдек, дарё ўзлашларида норуца материалларини ноқонуний казиб олиш ҳолатлари аниқланган тақдирда ҳам катъий чоралар қўрилади).

Нега мораторийга қарамай, дарё ўзлашларидан ноқонуний равишда кум-шағал казиб олиш давом этмоқда? Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш етарли даражада таъминланмаганилиги, коррупция ҳолатларининг мавжудлиги ва махсус мониторинг ускуналарининг еттишмаслиги қабилир ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон дарёлари ўзлашларида металл бўлмаган материаллар ноқонуний казиб олиш қуйидаги бир қатор салбий оқибатларга олиб келади:

- дарё ўзлашларидан норуца материалларини казиб олиниши улар тубининг ўзгариши, қирғоқ қизилганининг вайрон бўлиши, сувдаги баллик ва бошқа ҳайвонларнинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни йўқолишига олиб келади;
- кум-шағални казиш жараёнида ҳосил бўладиган муаллақ чанг зарраларни, техникдан ташуётган мойлар сувни ифлослантиради, унинг лойкайининг ошириши ва биологик химия-хилликни камайтиради;
- қирғоқ қизилганининг бузилиши туپроқ эрозиясининг кучайишига, туپроқ устки қатламнинг йўқолишига ва қишлоқ ҳўжалиги ерлари сифатининг ёмонлашишига олиб келади;
- кўприклар ва бошқа гидротехник иншоотлар яқинида ноқонуний казиб олиш уларнинг вайрон бўлишига олиб келади ва хавфсизликка таҳдид солади;
- ноқонуний казиб олишлар тоза сув ва бошқа табиий ресурслардан маҳрум бўлган маҳаллий аҳоли ўртасида ижтимоий низолабга олиб келиши мумкин;
- ушбу ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар баллиқчилик ва туризм соҳаларига зарар етказиб, ер ва кўчмас мулкнинг қийматини пасайтиради;
- ноқонуний казиб олишлар жараёнида солиқ тўловлари бюджетга тушмайди.

Ўзбекистон дарёлари ўзлашларида норуца материаллар ноқонуний казиб олиш қуйидаги бир қатор салбий оқибатларга олиб келади:

- дарё ўзлашларидан норуца материалларини казиб олиниши улар тубининг ўзгариши, қирғоқ қизилганининг вайрон бўлиши, сувдаги баллик ва бошқа ҳайвонларнинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни йўқолишига олиб келади;
- кум-шағални казиш жараёнида ҳосил бўладиган муаллақ чанг зарраларни, техникдан ташуётган мойлар сувни ифлослантиради, унинг лойкайининг ошириши ва биологик химия-хилликни камайтиради;
- қирғоқ қизилганининг бузилиши туپроқ эрозиясининг кучайишига, туپроқ устки қатламнинг йўқолишига ва қишлоқ ҳўжалиги ерлари сифатининг ёмонлашишига олиб келади;
- кўприклар ва бошқа гидротехник иншоотлар яқинида ноқонуний казиб олиш уларнинг вайрон бўлишига олиб келади ва хавфсизликка таҳдид солади;
- ноқонуний казиб олишлар тоза сув ва бошқа табиий ресурслардан маҳрум бўлган маҳаллий аҳоли ўртасида ижтимоий низолабга олиб келиши мумкин;
- ушбу ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар баллиқчилик ва туризм соҳаларига зарар етказиб, ер ва кўчмас мулкнинг қийматини пасайтиради;
- ноқонуний казиб олишлар жараёнида солиқ тўловлари бюджетга тушмайди.

Ўзбекистон дарёлари ўзлашларида норуца материаллар ноқонуний казиб олиш қуйидаги бир қатор салбий оқибатларга олиб келади:

- дарё ўзлашларидан норуца материалларини казиб олиниши улар тубининг ўзгариши, қирғоқ қизилганининг вайрон бўлиши, сувдаги баллик ва бошқа ҳайвонларнинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни йўқолишига олиб келади;
- кум-шағални казиш жараёнида ҳосил бўладиган муаллақ чанг зарраларни, техникдан ташуётган мойлар сувни ифлослантиради, унинг лойкайининг ошириши ва биологик химия-хилликни камайтиради;
- қирғоқ қизилганининг бузилиши туپроқ эрозиясининг кучайишига, туپроқ устки қатламнинг йўқолишига ва қишлоқ ҳўжалиги ерлари сифатининг ёмонлашишига олиб келади;
- кўприклар ва бошқа гидротехник иншоотлар яқинида ноқонуний казиб олиш уларнинг вайрон бўлишига олиб келади ва хавфсизликка таҳдид солади;
- ноқонуний казиб олишлар тоза сув ва бошқа табиий ресурслардан маҳрум бўлган маҳаллий аҳоли ўртасида ижтимоий низолабга олиб келиши мумкин;
- ушбу ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар баллиқчилик ва туризм соҳаларига зарар етказиб, ер ва кўчмас мулкнинг қийматини пасайтиради;
- ноқонуний казиб олишлар жараёнида солиқ тўловлари бюджетга тушмайди.

Ўзбекистон дарёлари ўзлашларида норуца материаллар ноқонуний казиб олиш қуйидаги бир қатор салбий оқибатларга олиб келади:

- дарё ўзлашларидан норуца материалларини казиб олиниши улар тубининг ўзгариши, қирғоқ қизилганининг вайрон бўлиши, сувдаги баллик ва бошқа ҳайвонларнинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни йўқолишига олиб келади;
- кум-шағални казиш жараёнида ҳосил бўладиган муаллақ чанг зарраларни, техникдан ташуётган мойлар сувни ифлослантиради, унинг лойкайининг ошириши ва биологик химия-хилликни камайтиради;
- қирғоқ қизилганининг бузилиши туپроқ эрозиясининг кучайишига, туپроқ устки қатламнинг йўқолишига ва қишлоқ ҳўжалиги ерлари сифатининг ёмонлашишига олиб келади;
- кўприклар ва бошқа гидротехник иншоотлар яқинида ноқонуний казиб олиш уларнинг вайрон бўлишига олиб келади ва хавфсизликка таҳдид солади;
- ноқонуний казиб олишлар тоза сув ва бошқа табиий ресурслардан маҳрум бўлган маҳаллий аҳоли ўртасида ижтимоий низолабга олиб келиши мумкин;
- ушбу ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар баллиқчилик ва туризм соҳаларига зарар етказиб, ер ва кўчмас мулкнинг қийматини пасайтиради;
- ноқонуний казиб олишлар жараёнида солиқ тўловлари бюджетга тушмайди.



Наргис ҚОСИМОВА,
экожурналист,
«EkoLog» жамоат бирлашмаси раҳбари



Хитой юқори тезликдаги поездни синовдан ўтказмоқда

Хитой темир йўллари CR450 номли янги ультра тезкор поездни синовдан ўтказаяпти. У 450 км/соат тезликда ҳаракатланиши мумкин. Пекинда ўтаётган синовларда поезднинг техник кўрсаткичлари такомиллаштирилди. CR450 нинг ишлаб чиқарилиши ва эксплуатацияси яқин йилларда мамлакат темир йўл транспорт тизимини сезиларли даражада тезлаштириши кутилмоқда. Янги поезд юқори хавфсизлиги, тўхташ масофаси, мустаҳкамлиги ва энергия самардорлиги билан ажралиб туради.



5 миллион АҚШ долларига – «олтин карта»

АҚШ президенти Дональд Трамп бой хорижликларга 5 миллион доллар эвазига АҚШда яшаш ва ишлаш ҳуқуқини берувчи «олтин карталар»ни сотишни режалаштирмоқда. «Биз бу карталарни тахминан 5 миллион доллардан сотишни режалаштиряпмиз. Улар «олтин карта» учун имтиёзлар беради ва АҚШ фуқаролигини олиш имконини яратади», деди Трамп журналистларга.

АҚШ савдо вазирлиги Говард Латника кўра, янги «олтин карта» ҳозирда мавжуд ЕВ-5 инвесторлик визасини алмаштиради.



Оламгир ОТАЁР
тайёрлади

Федерал суд халқаро ёрдамни қайта тиклашни буюрди

АҚШ федерал суди президент Дональд Трамп маъмуриятига халқаро ёрдамни тезлик билан қайта тиклашни буюрди. Чунки илгари чиқарилган суд қарорини бажариш ҳали ҳам кечиктирилмоқда. Трамп лавозимга киришганидан сўнг, у бюджет харажатларини қисқартириш мақсадида барча халқаро ёрдам дастурларини 90 кунга тўхтатган эди. USAID ва бошқа ташкилотлар бу қарор хатто фавуқлода инсонпарварлик ёрдамларини ҳам молиялаштиришни тўхтатганини маълум қилган. Федерал суд маъмуриятдан бу маблағларни тез орада тиклашни талаб қилмоқда.



Кўҳна қитъа глобал таъсирини йўқотмоқда

Foreign Affairs да чоп этилган таҳлилий мақолада Европа ҳалқаро майдонда ўз таъсирини йўқотаётгани ҳамда жаҳон геосийсий сахнасидаги мавқеи тобора сусайиб бораётгани қайд этилди. Геосийсий рақобат ортаётган бир пайтда, қитъа аввалроқ Вашингтон билан ҳамкорлик туфайли таъминланган мувозанатни мустақил равишда сақлашга мажбур, дея таъкидлади нашр. Бироқ Европанинг бу муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари чекланган. Zero, Европа сийсий бўлиниш ва қучли етакчиларнинг йўқлиги билан боғлиқ жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда. «Бир неча йиллардан бери заифлашиб бораётган халқаро тартибни мустаҳкамлаш масъулияти ҳозирда аскарсиз ва ташкилий қучга эга бўлмаган Европа Иттифоқи зиммасига тушмоқда», дейилади мақолада.

Эълон
Тошкент виллояти Янгиёул туманидаги «HORIZON BRICKS» масъулияти чекланган жамияти Устав жамғармаси 2 462 950 864,16 (икки миллиард тўрт юз олти миң икки миллион тўрт юз эллик миң саксиз юз олти миң тўрт сўм ўн олти тиғинга) 2 332 950 864,16 (икки миллиард уч юз ўлтти икки миллион тўрт юз эллик миң саксиз юз олти миң тўрт сўм ўн олти тиғинга) 130 000 000 (бир юз ўлтти миңлионга) қамайганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Федерация аппаратининг Халқаро ишлар бўлими мудири – ранс ўринбосари Яркун Закириллаевич Файзуллаевга уқаси
Исмюлл Закириллаевич ФАЙЗУЛЛАЕВ
вафот этгани муносабати билан таъзия изхор этади.



■ **Фотозъюд**
Қишнинг бир кунни қолса ҳам...

Эъзога УМРЗОҚОВА олган лавха
Тошкент, 2025 йил 26 февраль

ШАҲРИ КЕШ АТЛАСИНИ ҚАЙТА КАШФ ЭТДИ

ТАРИХДАН МАЪЛУМКИ, БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ БИР ТАРМОҒИ ШАҲРИСАБЗДАН ЎТГАН. ШУ БОИС ХУДУДА ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИК РАВНАҚ ТОПГАН. МУАЙЯН ДАВРДА КЕШ НОМИ БИЛАН МАШҲУР БЎЛГАН БУ МАНЗИЛГА ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ХУДУДЛАРИДАН САВДОГАРЛАР КЕЛИБ, САВДО-СОТИҚ БИЛАН ШУГУЛЛАНИШГАН ВА ТАБИЙКИ, ИПАК, АТЛАС ВА АДРАС МАТОЛАРИ БОЗОРИ ЧАҚҚОН МАҲСУЛОТЛАРДАН САНАЛГАН.

Дастлаб хитойлик хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган ипак матоларга турдош атлас ва адрас тўқиш Фарғона водийси, Самарқанд ва Кешда ўзлаштирилиб, миллий хунармандчиликнинг нодир дурдонасига айланган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан маҳсулотлар йирик заводларда мукамал ускуналар ёрдамида кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Бу эса кўлда тўқилган матоларга талаб бир муддат камайишига олиб келди. Кейинчалик атлас ва адраснинг шухрати бироқ сўнггандай бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳам кескин камайди.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАРҒИЛОНЛИК УСТА-ХУНАРМАНДЛАРИНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН НОЁБ МАТОГА АЙЛАНИБ УЛГ УРГАН АТЛАС ВА АДРАСНИ КЎЛДА БОШҚАРИЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР ЁРДАМИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАВОМ ЭТДИ. ЯҚИНДА ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА ХАМ УШБУ ТАРИХИЙ АНЪАНА ҚАЙТА ТИКЛАНИБ, МЎЪЖАЗ ДАСТГОҲЛАРДА НАҚШИНКОР МИЛЛИЙ МАТОЛАР ТЎҚИЛА БОШЛАНДИ.



Нодир Маннонов шахрисабзлик хунармандлар сулоасининг учинчи авлодига мансуб. Болалигидан заргарлик сирларини пухта ўзлаштирди. Унинг кўлида тарихий шакл-шамойилларга асосланган миллий заргарлик буюмлари янгича жозоба топди. Кейинчалик маълум муддат тадбиркорлик билан шугулланди. Бу унга хунармандчилик йўналишидаги янги кутларни очди.

– 14 йил олдин Марғилондан атлас ва адрас олиб келиб, Шахрисабзда сотишни йўлга қўйдик, – дейди Нодир Маннонов. – Дастлаб кишлокмакишлоқ, уйма-уй юриб сотдик. Шунда билдимки, бизда мазкур миллий матоларга кизиқиш катта. Шу аснода, ўзим ҳам атлас ва адрас ишлаб чиқаришни йўлга қўйсам-чи, деган фикр келди хаёлимга. Бунинг учун режалар тузиб, ҳисоб-китобини эринмасдан тахлил қилдим.

«Ўш, ишлаб чиқарсам, ишчи кучи

етарли бўладими? Шахрисабзда атлас ва адрас тўқишга укувли уста-хунармандлар борми? Ўқитсак, ўргатсак, қанча вақт кетади? Қизиқувчиларни топа оламизми?» каби саволлар менга тинчлик бермасди. Марғилонга тез-тез

борадиган ва маҳаллий уста-хунармандлар билан обдон маслаҳатлашадиган бўлдим. Ўша ердан устоз топдим ва ниҳоят, бир йил аввал гайрат қилиб, атлас ва адрас ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Толсени хунарида кўрган Нодир Манноновнинг тақдири ҳам, бахти ҳам шу касб билан боғлиқ бўлди. У фарғоналик хунарманд қиз Махлиё билан турмуш қурди. Болалигидан хунармандлар ичидан улгайган водийлик келин жуфти ҳалолнинг саъй-ҳаракатлари натижа беришида унга елкадош бўлди. Эндиликда уларнинг кўп йиллик орзу-мақсадлари бирин-кетин амалга ошмоқда.

Еш оила мамлакатимизда тадбиркорлик учун яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, 2021 йили «Шахрисабз хунармандлар кластери» МЧЖга асос солиди. Унинг таъсисчиси Нодир Маннонов, дирек-

тори эса Махлиё Маннонова бўлди.

– Айни вақтда хунармандчиликнинг олти йўналишида 50 турдан зиёд буюмлар ишлаб чиқаряпмиз, – дейди Махлиё Маннонова. – Айниқса, миллий либослар тикишни кенг йўлга қўйганмиз. 2024 йилдан қўл меҳнати билан атлас ва адрас ишлаб чиқаришни ҳам бошладик, 50 дона тўқув ускунаси ўрнатганмиз.

Ҳозир тўлик автоматлаштирилган жихозларда тайёрланаётган атлас ва адрас матолари ҳам учрайди. Қўл меҳнати деярли талаб этилмаслиги ҳисобига нархи ҳам арзонроқ. Сифатини эса оддий кўз билан фарқлаш қийин.

– Ипақдан мато тўқиш, унга нақш ва шакллар солиш жуда назик иш, – дейди хунарманд келин. – Агар атлас ва адрас замонавий ускуналарда қўл меҳнати билан тўқилганига нисбатан яхшироқ ишлаб чиқарилганда, хунармандлар аллақачон бундай матолар устида ишладан совиб кетган бўларди. Ҳозир ҳар бир ускунада кунига 20 метрдан атлас ва адрас тайёрляпмиз. Бозорда матоларимизга талаб яхши.

АЙНИ ПАЙТДА ХУНАРМАНДЛАРГА КЕРАКЛИ ХОМАШЕЛАР МАРҒИЛОН ШАҲРИ ВА ТУРКИЯДАН ОЛИБ КЕЛИНМОҚДА. ҲОЗИР ХУНАРМАНДЧИЛИК УСТАХОНАСИДА ДОИМИЙ ИШ ҲАМ ЭТДИ ВА ЯНА КАСАНАЧИЛИК АСОСИДА 200 НАФАРДАН ЗИЁД ХОТИН-КИЗНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН. ШУНИНГДЕК, БУ ЕРДА ТАЖРИБАЛИ ХУНАРМАНДЛАР ЖАЛБ ЭТИЛИБ, УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

– Миллий хунармандчилик, хусусан, атлас ва адрас ишлаб чиқариш Шахрисабз учун янгилик эмас, – дейди Нодир Маннонов. – XIX асрнинг охирига қадар шахримизда бу соҳа гуллаб-яшнаган. Минглаб хунармандлар бўлган. Айниқса, олача адрас тўқиш оммалашган. Биз ҳам аждодларимизга муносиб авлод бўлиш мақсадида шахримизнинг хунармандчилик салоҳиятини қайта тиклашга, Шахрисабз атлас ва адрас матоларини янада оммалаштиришга бел боғладик. Бу йўлда изланишдан тўхтамаймиз.

Дарвоқе, мустақиллигимизнинг 33 йиллиги арафасида Махлиё Маннонова «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу эътироф хунармандлар оиласини янги изланишлар ва ютуқлар сари чорламоқда.

Баҳодир БАҲРОМ



«ХОРАЗМ ТОҒЛАРИ» — БУЮК АЖДОДЛАР ТИМСОЛИ

Рассом Солий Қодиров Ўзбекистон тасвирий санъатида ўзига хос ижодий услуби ва фалсафий қарашлари билан ажралиб турадиган ижодкорлардан бири. У санъатга бўлган муҳаббати ва ижодга интилиши сабабли 1967–1972 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Бадий графика йўналишида таҳсил олган. Ўша кезлардан эътиборан вилоят ва республика миқёсидаги турли кўргазмаларда фаол иштирок этиб, мукофот ва эътирофларга сазовор бўлган.

Солий Қодиров ижодий фаолияти санъатнинг турли жанр ва шаклларида ўз ифодасини топган. Улар орасида рангтаъсир, графика ва ҳайкалтарошлик кенг ўрин эгаллайди. Рассом ҳар бир асарига ўзига хос фалсафий ғояни илгари суриб, унда тарих, маданият ва миллий кадриятларни акс эттиришга интилади. Унинг энг ёрқин ва фалсафий асарларидан бири «Хоразм тоғлари» номли картинасидир. Бу асар ўзининг чуқур маънавий мазмунини ва тарихий ғояси билан ажралиб туради. Хоразм географик жихатдан текис ҳудуд бўлиб, унда тоғлар мавжуд эмас. Аммо рассом асарига Хоразмда яшадиган буюк мутафаккирлар, шоирлар, олимлар ва санъат арбобларини тоғларга қиёслади. Тоғлар мустаҳкамлик, қудрат, бардавомлик ва юксаклик тимсоли бўлиб, бу ғоя ўзида чуқур фалсафий маънони муҳассама этади. Асарда ал-Беруний, ал-Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди, Форобий каби улуг аждодларимиз Хоразмнинг бебаҳо тоғлари сифатида тасвирланган.

Картинанинг куйи қисмида Хоразмнинг умумий манзараси акс эттирилган бўлиб, қадимий Хива шаҳри, Ичан қалъа деворлари, Хоразмнинг бетакрор табиати, кум барханлари ва анъанавий халқ меймориликка хос элементлар тасвирланган. Ушбу деталлар асарга миллий рух ва тарихий хотирани сингдиради. Асарнинг юқори қисмида эса кўк осмон фонидан улкан тоғлар кўзга ташланади. Улар инсон қиёфасида бўлиб, Хоразм илм-фани, маданияти ва тарихида ўз номини муҳрлаб қўйган буюк аждодларимизни ифодалайди.

Солий Қодиров бу асар орқали Хоразмнинг юксак маънавий кадриятларини, унинг буюк олим ва мутафаккирлари номини яна бир бор абадийлаштиришга интиланган. Унинг ғоясига кўра, Хоразмнинг ҳақиқий тоғлари шу юртининг тарихий шахслари, уларнинг илму дониш ва жасрат билан тиклаган маданий меросидир. «Хоразм тоғлари» томошабинни чуқур мушоҳадага чорлаб, миллий фахр ва ўзиники аниқлашга ундайди. Унда рассом ўзига хос бадий услубдан фойдаланган. Ёрқин ранглар ёрдамида жонли ва таъсирчан муҳитни яратган. Кўк осмон – умид ва абадийлик рамзи бўлса, пастдаги тарихий ландшафтлар Хоразмнинг ўзига хослигини аниқлатади.

Энг диққатга сазовор жиҳати шундаки, инсон қиёфасидаги тоғлар томошабинни ўйлашга ундайди. Кимдир бу шакллarda Берунийнинг тафаккури чуқурлигини, кимдир Мангубердининг жасратини, яна кимдир Форобийнинг фалсафий қарашларини кўриши мумкин. Асарнинг кўп қиррали талқини ҳар бир кишига ўз дунёқаршига қараб турлича таассурот бағишлайди.

Солий Қодировнинг «Хоразм тоғлари» асари оддий бир рангтаъсир намунаси бўлиб қолмай, Хоразмнинг буюк тарихи ва маънавиятини акс эттирувчи рамзий ёдгорликдир. Ушбу картина ҳар бир томошабинни миллий ғуруру ва кадриятларни ҳис эттиришга, буюк аждодларимиз меросини ўрганишга ундайди.

Мансурбек НБОДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон замонавий санъати музейи катта илмий ходими

MUASSIS:



2007-йил
11-январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 116-рақам
билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

- Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
- Ulug'bek JALMENOVI,
- Anvar ABDUMUXTOROV,
- Sayfullo AHMEDOV,
- Akmal SAIDOV,
- Ravshan BEDILOV,
- Qutlimurot SOBIROV,
- Suhrob RAFIQOV,
- Shoqosim SHOISLOMOV,
- Hamidulla PIRIMQULOV,
- Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
- Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
- Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
- Valentina MARSEYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

- Bo'limlar:**
- Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
 - Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
 - Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
 - Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
 - Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

- Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
- Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
- Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
- Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
- Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
- Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
- Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
- Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
- Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
- Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
- Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
- Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
- Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rinishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
G. Mirahmedov

Musahhihr:
D. Xudoyberganova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:50
Topshirildi – 00:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzili:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@vindex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi
32 427 ta

Shundan:
6 246 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uyda;

18 273 nusxasi
«Erudi» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 908 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazetaning poligrafik jihozdan sifatlari chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-211

1 2 3 4 5 6

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Қиличбек Тоғжиев ижросида
«БИРОВГА ЎХШАГИМ КЕЛМАЙДИ»

қўшиғи

Ўзимга яраша ҳолим бор,
Бировлар меҳримни билмайди.
Йигитман, кўқсимда орим бор,
Бировга ўхшагим келмайди.

Шухрат АХМЕДОВ шеъри